



# Байрамингиз муборак, мунис ва меҳрибон она-сингиллар!



Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят  
ижтимоий-сиёсий  
газетаси

2019 йил  
8 март  
ЖУМА

№ 17-18 (13174-75)

@haqiqatonline

## ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

### ҲАЁТИМИЗ ГУЛТОЖИ, МУНИС АЁЛЛАРИМИЗ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам она-сингиллар!

Хурматли дўстлар!  
Бугун мана шундай дилбар, қутлуг баҳор айёмида сиз, мунис оналаримиз, хурматли она-сингилларимиз, сулув қизларимизни ўларингиз каби гўзал байрамингиз – Халқаро хотин-қизлар кунин билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини табриклаб, барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилақларимни билдираман.

Қадрли юртдошлар!  
Ҳаммамиз яхши тушунамиз, "Меҳр – ҳаётнинг устун" деган сўзларда чуқур маъно ва мазмун мужассам.

Бу ҳақда гапирганда, муқаддас она, аёл зоти – чинакам меҳр булоғи, меҳр кўёши, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Шу кўёш бор экан, меҳр-оқибат, эзгулик ва адолат, вафо ва садоқат каби буюк қадриятлар неча асрлардан буён безавол яшаб келмоқда.

Шу боис бугунги кувончли айёмда аввало дунёда "фидойи" деган сўзга энг муносиб бўлган Она сиймоси олдида

таъзим қиламиз. Ҳаётимиз кувончи, хонадонларимиз кўрки бўлмиш азиз аёлларимиз шаънига энг гўзал тилақларимизни изҳор этамиз.

Ер юзиде сўз ва соз санъати, шоиру ҳофиз, рассом ва ҳайкалтарош пайдо бўлибдики, она ва аёл зоти юксак пардаларда тараннум этиб келинади. Улуғ шоиримиз Эркин Воҳидов айтганларидек, "Оламда аёл мадҳига дoston тугамайди". Чунки, аёл сиймоси Яратганинг тенгсиз мўъжизаси бўлиб келган ва ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Бизга мана шу ёруғ, гўзал оламни янада гўзал ва ёруғ қилиб турганларингиз учун катта раҳмат сизларга!

Биз – Ўзбекистоннинг мард ўғлонлари, эр йигитлари сиз, азизларга бўлган ҳурматимиз, меҳр ва муҳаббатимизни оилаларимиз, эл-юртимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилишга қаратилган амалий ишларимиз билан изҳор этишга интиломқдамиз.

Биз халқимиз розилигини, аввало, сиз, муҳтарам оналаримиз, она-сингилларимизнинг розилиғи деб тушунамиз. Сизларнинг соғ-саломат бўлиб, бахтли бўлиб яшашингизни амалга ошираётган барча-барча ислохотларимизнинг асосий мақсади ва мезони деб биламиз.

Бу йўлда эришган натижаларимиз фақатгина биринчи қадамлар бўлиб, сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз, дуоларингиз, ҳеч шубҳасиз, бизга чексиз куч-ғайрат бағишлайди.

Қадрли она-сингиллар!  
Маълумки, ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Лекин сизларнинг барча соҳалардаги самарали меҳнатингиз, фарзандлар тарбияси, оила ҳаётидаги улкан хизматларингизни ҳисобга олиб айтадиган бўлсак, жамиятдаги ўрнингиз, Ўзбекистонимиз эришаётган ютуқлардаги беқиёс ҳиссангизни ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин она-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларнинг улуғи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиздан зиёд, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, қишлоқ хўжалигида 45 фоиздан ортқини, sanoatда 38 фоизни ташкил этмоқда. Ва сизларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнатларингиз давлатимиз, халқимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда.

Давоми 3-бетда ➡

#### 2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА

Тошкент вилоятида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.



Видеоселектор шаклида ташкил этилган мулоқотда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ҳокимликлар, вилоятдаги бошқарма ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш. Кудбиев ва бошқалар Давлат дастурида барча соҳалардаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулкчиликка асосланган иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ижтимоий

соҳани тубдан тараққий эттиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилганини таъкидлади.

Тадбирда қатор тегишли бошқармаларнинг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастурида улар зиммасига юклатилган вазифалар хусусидаги ҳисоботи эшитилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Т. Арзиқуловнинг таъкидлашича, жорий йилда 30 та тиббиёт муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Ушбу мақсадлар учун 68,3 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши режалаштирилмоқда. Тиббиёт муассасаларига 11 та замонавий махсус тиббий транспорт воситаси берилди.

Давоми 2-бетда ➡

#### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўътабар аёл зотига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни воғга етказиш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, турли соҳа ва тармоқларда қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқараётган, ижтимоий ҳаётда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатаётган қизларни муносиб рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича тақлифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326-сонли ва "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фа-

олиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли Фармонларига асосан:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиғи, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақлифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

Давоми 4-бетда ➡

### БОРИНГИЗГА ШУҚР, АЗИЗ АЁЛЛАР!

Она диёримиз узра кўклар нафаси уфуриб турган шу кунларда барчамиз Баҳор ва Аёл деган сўзларнинг бир-бирига нақадар ҳамоҳанг ва уйғун эканини беихтиёр ҳис этамиз.

#### ШУҚУХ

Чунки, Баҳор ҳам, Аёл ҳам инсон кўнглида аввало, ҳаётга муҳаббат, эзгу орзу интилишлар, меҳр ва саховат каби олижаноб ҳиссийатларни уйғотади. Ушбу шуқуҳли кунларимизни беэганга файзли кўкларнинг илк фазилатли айёми – хотин-қизлар байрами юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда.

Вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидан ташриф буюрган фахрий аёллар, хотин-қизлар "Аёл – оламнинг гултожи" шоири остида ташкил этилган асосий байрам тантаналарини Оҳангарон шаҳридаги LMAX хорижий корхонаси фаолияти билан танишадан бошладилар. Улар корхонадаги хотин-қизларнинг иш жараёни, яратилган шароитларга баҳо бердилар. Шунингдек, йўл-патруль хизмати ходимлари кузатувида ҳудуднинг диққатга сазовор манзиллари билан танишиб, вилоят марказидаги Она ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Нурафшон шаҳри марказидаги "Диёра" маросимлар уйида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан ўнгирилган байрам тадбири эса аёлларимизга унутилмас онларни ҳада этди...

Давоми 2-бетда ➡



Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
ЎЗА мухбири

Байрамона безатилган қашонага киреверишда азиз меҳмонларни қарнай-сурнай садолари остида тантанали кутиб олаётган ташкилотчиларнинг ҳар бири қўллари кўксидан, ўзбекиона лутф билан: "Хуш келибсиз, байрамингиз муборак бўлсин!" дея ҳурмат кўрсатишди. Қизил йўлакнинг икки томонида саф тортиган ҳарбий хизматчилар вилоятимизнинг фахрий аёллари, азиз опа-сингилларимизни қўлларида гулдастала билан кутиб олишди.

Маросим иштирокчиларини вилоят ҳокими Фуломжон Ибрагимов самимий муборакбод этди.

Барчамизга аёнки, оналарни, аёл зотини эъзозлаш юртимизда азал-азалдан эзгу қадрият бўлиб келган, — деди вилоят ҳокими ўз сўзида. — Сизларнинг меҳр-муҳаббатингиз, вафо ва садоқатингиз, фидойилигингиз сабабли ҳаётимиз чароғон. Сизлар тўғайли оилаларимизда тинчлик-осойишталик, кут-барака ҳукм сураётгани

◀ Бошланғич 1-бетда



## Вилоят бўйлаб

Энг намунали бека

8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига қарашли Маданият марказида ҳарбий хизматчиларнинг турмуш ўртолқлари ўртасида "Энг намунали уй бекаси" кўрик-танлови ўтказилди.

Танловда аёллар "Саломлашув", "Зехнлик", "Пазандалик сирлари", "Дазмол босиш" ва "Бадиий ижодиёт" шартлари бўйича беллашилди.

Яқини натижаларга кўра, Зиёда Рустомова "Энг ораста уй бекаси", Саида Примова "Энг пазанда уй бекаси", Мўтабар Олимова "Энг қаҳқон уй бекаси", Одина Акбарова "Энг зукко уй бекаси", Шоира Курбонова эса "Энг намунали уй бекаси", деб топилди.

Ғолиблар ҳарбий билим юрти бошлигининг фахрий ёрлиги ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шоҳиста ОРТИҚОВА

### Журналистлар учун семинар

Нурафшон шаҳрида "Shamaxtudova inkluziv ta'lim" ресурс маркази томонидан "Тўсиқларни олиб ташлаб, ресурсларни яратиш" лойиҳаси бўйича ўқув-семинар ўтказилди.

Бизнинг лойиҳа алоҳида эҳтиёжли болаларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг тарбияси ҳамда ижтимоий мослашишида ота-оналарнинг имконияти ва ресурсларини ошириш орқали қўллаб-қувватлашни назарда тутди, — дейди Саида Сулаймонова. — Лойиҳа жараёни бешта таркибий қисм бўйича олти вилоятда олиб борилмоқда.

Тадбир давомида "Замонавий масс-медиада "Hate speech" (нафрат тили), уни аниқлаш ва ҳимоялаш усуллари" мавзусида маърузалар ҳам тингланди.

### Майдонда — келажак умидлари

Олмалиқ шаҳридаги "ОКМК" стадионида "Келажакимиз умидлари" шиори остида футбол фестивали бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон футбол ассоциациясининг масъул ходимлари, вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси мутасаддилари, ёшлар иштирок этишди.

Мазкур тадбир ёшларда миллионлар ўйинига бўлган қизиқишни янада кучайтириш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил қилинди. Фестивалга вилоятимиздаги барча мактаблардан 3-4 синф ўқувчилари жалб этилди. Тадбир доирасида ёш спортчилар соҳанинг малакали мутахассислари ва тажрибали мураббийлардан мастер-класс дарси олишди.

Тадбир якунида қатнашчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зухриддин ҚАМБАРОВ тайёрлади



— Қам яхши, деб сўзасангиз, Дайман Онам, Онам яхши...



## БОРИНГИЗГА ШУҚР, АЗИЗ АЁЛЛАР!



учун барчангизга ҳар қанча тасанно айтсак, арзийди. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг "Хотин-қизлар-

га эътибор ҳамма вақт барча саъй-ҳаракатларимиз марказида бўлиши, ҳаммамизнинг вазиғамизга айла-ниши керак. Оилага эътибор, аслида бу ўзлгимизга эътибордир" деган гаплари, даъватлари ҳар қандай даражадаги давлат ва жамоат тузилмалари фаолиятининг бош мезониға, таъбир жоиз бўлса, муҳим ва ҳаётий дастуриламалиға ай-ланиб қолди.

Зотан, бугун аёлларимиз фермер, тадбиркор, ўқитувчи, олимпиа, шифокор ва бошқа касб эғаси сифатида жа-миятимиз равнақиға муносиб

кўкрак нишони ҳамда бир гуруҳ хотин-қизларға вилоят ҳоқимининг фахрий ёрликларини тантанали равишда топширилди. Улар орасида фахрий аёллар, спортчи қизлар, заҳматқаш ўқитувчилар, филоли шифокорлар, Ўзбекистон Куролли Кучлари сафларида хизмат қилаётган ҳарбий аёллар, ҳуқуқ-тартибот идораларида фаолият юри-таётган хотин-қизлар, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбир-кору фермерлар, маҳалла фаоллари бор.

— Бугунги эътирофдан бо-шим кўкка етди, — дейди Тош-кент туманидаги "Ободлик"

маҳалласи мутахассиси, "Мўтабар аёл" кўкрак нишо-ни соҳибаси Ҳамида Аъзамо-ва. — Узоқ йиллик меҳнатим инобатға олинганидан, аёл-ларға бундай ҳурмат-эъти-бордан қувонмай бўладими, ахир!? Бу рағбат янада яхши ишлаб, маҳалламизни обод қилишға ҳисса қўшишға ун-дайди.

— Ўзбекистон металлургия комбинатида 46 йилдан бери назоратчи бўлиб ишлайман, — дейди Маҳфизат Тошматов-ва. — Байрам жуда зўр бў-

лаяпти. Бугун вилоятимиз ҳоқимининг ўзлари фахрий ёрлик билан тақдирландилар. Бундан кўнглим тоғдек кўта-рилди. Байрам баҳона кўпги-на қадрдонлар билан дий-дорлашдик, яйраб рақсга ту-шиб, завқландик. Бугунги байрам таассуротлари узоқ вақт хотирамда қолади.

Тантанали маросимға эл ардоғидаги санъат усталари ва ёш иқтидорлар томо-нидан ижро этилган куй-қўшиқлар байрамона файз киритди.

Ўз муҳбиримиз  
Равшан МИРЗАҚУЛОВ  
олган суратлар

## ТАДБИРКОРНИНГ ТАНТИЛИГИ

Паркент туманидаги Сўқоқ қишлоғида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан "Ўзбегим аёли" байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда мактаб ўқитувчилари, боғча тарбиячилари, тадбиркорлар ва қишлоқ аёллари иштирок этишди.



Мазкур тадбир "Қумушқоним, Дилноза" ху-сулий қорхонаси ва "Advanced girls" нодав-лат таълим муассасаси раҳбари Мадина Анор-



боева ҳомийлигида ташкил этилди.

— Байрам баҳона аёлларимизнинг кай-фиятини кўтариб, улар билан ўйнаб-қув-надик, — дейди тадбиркор М. Анор-боева. — Қишлоғимиз аёллари билан ҳар байрамда шунақа учрашиб, қаққак-лашамиз. Зеро, аёл қувонса, оила бах-тиёр бўлади.

Тадбирда кичкинтойларнинг қизиқар-ли чиқишлари ҳамда ёш хонандалар то-монидан ижро этилган шўх тароналар барчаға хушқайфият улашди. Шунинг-дек, бир гуруҳ фаол аёлларға эсдалик совға-лари топширилди.

Мансур ҲИММАТОВ  
олган суратлар

Реклама ўрнида

## Тошкент вилояти

### «Сувоқова»

давлат унитар қорхонаси жамоаси

юртимиз хотин-қизларини

# 8 март айёли

билан муборакбод этади.

Азиз опа-сингиллар. Баҳорий кайфият ва гўзаллик доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

Хонадонингиздан бахт ва хурсандчилик аримасин!

## ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА



Тадбирда Президентимизнинг 2018 йил 19 де-кабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилға мўлжалланган инвестиция дастурини амалға ошириш чора-тадбирлари тўғриси-да"ги Қарорига мувофиқ, жорий йилдаги капитал қўйилмаларнинг асосий па-раметрлариға алоҳида эъти-бор қаратилди. Қайд этил-ганидек, ҳужжатда Тошкент вилоятда кўплаб йирик лойиҳаларни рўёбға чиқари-риш белгилаб берилган. Хусусан, Зангиота туманида Тошкент металлургия заво-дини қуриш, "Techno Cable" кўшма қорхонаси неғизида кабель-ўтказгич маҳсулотла-ри ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш, Юқори Чирчиқ туманидаги "Textile Technologies Group" хусусий қорхонаси неғизида тўқима-чилик ва тикувчилик маҳсу-лотлари ишлаб чиқарилиши ҳамда калава-ип бўяшни

ташқил этиш, Бўстонлиқ ту-манидаги "Mutabar Medical Standart" МЧЖ неғизида вирусларға қарши препарат-лар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш каби йирик лойиҳалар амалға оширила-ди.

Тадбирда ижтимоий соҳа бўйича белгиланган вазифа-лар, айниқса, аҳоли бандли-гини таъминлаш ва реал да-ромадларини ошириш, иж-тимоий ҳимояға муҳтож хо-тин-қизларға қўмаклашиш, йўл-транспорт, муҳандис-лик-коммуникация ва ижти-моий инфратузилмани ри-вожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ушбу йўналишда Халқ депутатла-ри маҳаллий Кенгашлари томонидан амалға ошири-лиши лозим бўлган вазифа-лар белгилаб олинди.

Семинарда Тошкент ви-лояти ҳоқими Ф. Ибрагимов сўзға чиқди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,  
ЎЗА

Равшан МИРЗАҚУЛОВ  
олган суратлар

◀ Бошланғич 1-бетда

### Танлов

Тошкент давлат аграр университетида "Энг яхши китобхон жамоа" интеллектуал кўрик-танлови ўтказилди. Унда талаба ва устозлардан таркиб топган 10 та жамоа ўзаро беллашди.

## КИТОБДАН ЯХШИРОҚ ДЎСТ ЙЎҚ ЖАҲОНДА

— Бундай танловлар уни-верситетимизда тез-тез бўлиб туради, — дейди "Шижоат" жамоаси аъзоси Ота-бек Орипов. — Бу бир томон-дан талабаларнинг аҳилиғини ошириса, иккинчи томон-дан уларни китобға, билим-ға қизиқишини кучайтиради. Ахир, "Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда", деб бе-жиз айтишмаган донолар.

Танлов якунларига кўра, "Шижоат" жамоаси биринчи,

"Ёш китобхонлар" жамоаси иккинчи ўринни қўлга кирит-ди. Учинчи ўрин эса "Ворис-лар" жамоасига насиб этди.

Шунингдек, "Энг зукко китоб-хон", "Энг фаол китоб-хон", "Энг иқтидорли китоб-хон", "Энг ижодкор китоб-хон" номинациялари ғолиблари ҳам аниқланди.

Тадбир сўнгида ғолиблар-ға диплом ва қўimmatбаҳо совғалар топширилди.

Ўз муҳбиримиз

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАБ ЎТҚАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Мустақиллик йилларида 2 минг 180 нафардан ортиқ хотин-қизларимиз юксак давлат мукофотларига сазовор бўлгани ҳам шундан далolat беради. Уларнинг орасида ўнлаб Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан арбоблари, халқ ўқитувчилари, халқ шоирлари, халқ артистлари борлигини алоҳида таъкидлаб айтиш мумкин. Бугунги давримизда турли жабҳаларда астойдил меҳнат қилаётган ана шундай жонкуяр, оқила, меҳр-оқибатли аёлларимизни, уларнинг давомчилари бўлган истеъдодли кизларимизни қўриб турганимдан хурсандман. **Уларнинг барчаси Ўзбекистон инсоний салоҳиятининг олтин фондини ташкил этади, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.**

Мамлакатимиз тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш йўлидаги самарали меҳнатингиз, эзгу фазилатларингиз билан ҳаммага ўрнатилган бўлиб келаятирдингиз учун сизларга ўз номимдан, кўп миллатли бутун халқимиз номидан чукур миннатдорлик билдираман.

Хурматли юртдошлар! Барчангизга маълумки, биз **"Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"** Президент фармони қабул қилдик. Утган қисқа даврда ушбу фармон доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 та фармони, 2 та қарори, ҳукуматимизнинг 6 та қарори ва 4 та фармойиши қабул қилинди.

Ана шу ҳужжатлар асосида илгари имкониятлари чекланиб, фаолияти сувайиб қолган Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари бутунлай янги асосда ташкил этилди. Уларга қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, самарали фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилди. Ҳозирги кунда ушбу тизимда катта билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган 10 миңдан ортиқ опа-сингилларимиз хизмат қилмоқда.

Хотин-қизлар кўмитасининг ҳудудий бўлимлари қошида "Хуқуқшунос аёллар", "Илм-фан ва аёл", "Ижодкор аёллар", "Ташаббускор аёллар", "Аёл ва саломатлик", "Фахрий аёллар" жамоатчиликлари уюшмалари ташкил этилди. "Йил аёли", "Ибратли оила" танловлари ўтказилмоқда. Энг асосийси, амалга оширилган ана шундай муҳим чора-тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва юртимиздаги сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамкорлик кучайтирилиб, 3 миңга яқин етакчи хотин-қизлардан иборат қадрлар захираси шакллантирилгани эътиборга лойиқдир. Айни вақтда ижтимоий фаол аёлларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаб бориш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш тизими яратилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда хотин-қизлар ҳаракати катта салоҳият ва истиқболга эга эканини кўрсатади.

Хабарингиз бор, бу йил юртимизда миллий парламентимиз ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. Ана шу сайловларга аёлларимиз ҳам катта тайёргарлик кўрмоқда. Шу мақсадда жойларда "Депутатликка старт" акциялари ташкил этилаётганини биз албатта қўллаб-қувватлаймиз.

Сизларга маълумки, ҳозирги пайтда мамлакатимиз депутатлар корпусининг 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Утган икки йиллик тажрибамизни, аёлларнинг сиёсий оғни ва савияси ошиб бораётганини инобатга олиб, бу рақамни анча кўпайтирсак, ўйлайманки, адолатдан бўлади.

Хотин-қизлар кўмитасининг халқаро фаолияти ҳам кучайиб бормоқда. Масалан, янги тузилган Ўзбекистон иختирочи аёллари маркази ташаббуси билан юртимиз олимлари ўтган йили Корея Республикасида ташкил этилган халқаро форумда муносиб иштирок этдилар.

Мухтарам дўстлар! Бугунги давримизда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Франция Республикасининг Фавкуллода ва мухтор элчиси Виолет де Вильмор, Хитой Халқ Республикасининг Фавкуллода ва мухтор элчиси Цзян Янь, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Хелена Фрейзер, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги турли ваколатхоналарининг раҳбарлари бўлган Ашита Миттал, Миеко Ябута, Лиан Куппенс, Мария дель Пилар Алварез-Ласо хонимларни қўриб турганимиздан гоят мамнунимиз.

Мамлакатимиз билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган ана шу ҳурматли меҳмонларимизни Халқаро хотин-қизлар куни билан қутлаб, эзгу тилакларимизни билдиришга ижозат бергайсиз.

Азиз опа-сингиллар! Барчангизга маълумки, биз учун меҳр-муҳаббат кўргони бўлган оила институтини мустақамлаш кейинги пайтда юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ана шу сиёсатни белгилайдиган муҳим ҳужжат – **Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустақамлаш концепцияси** қабул қилинди. Мазкур концепцияни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази қайта ташкил этилди.

Оила масаласини комплекс ўрганиб, мавжуд ҳолатни таҳлил этиш, мониторинг қилиш ва баҳо беришга, илмий тадқиқотлар орқали оила фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган янги тизим яратилди.

Илгари Адлия вазирлиги тасарруфиде бўлган фуқаролик ҳолатига оид ҳужжатларни қайта таҳлил этиш идоралари туман ва шаҳар ҳокими ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раисига бўйсундирилди. Ҳозирги вақтда улар томонидан оила институтини мустақамлаш, ажралишларнинг олдини олиш бўйича фаол иш олиб боришмоқда.

Албатта, бу борада белгиланган чора-тадбирларнинг мазмуни, сифати ва самарасини ошириш учун халқ кўпи иш қилишимиз керак. Бугунги кунда изчил амалга оширилаётган "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла", "Ёшлар – келажагимиз", "Ҳар бир оила – тадбиркор" каби дастурлар айни шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугун "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорни имзоладим.

Бундан ташқари, янги ташкил этилган Хотин-қизлар ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан йиллик тўлови 7 фоиз бўлган имтиёзли кредитлар бериш тизими жорий этилди. Бу мақсадлар учун ўтган йили 50 мил-

лиард сўм ажратилди. Бу эса аёлларнинг оиладан, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда, ҳунармандлик, касаначилик, томорқа ҳўжалиги билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратиб беришга хизмат қилади.

Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан жойларда 2018 йилда 2 миңдан зиёд кичик цех ташкил этилиб, 18 миңга яқин хотин-қизлар иш билан таъминланди. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида "Хунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликда "Устоз-шоғирд" тизими асосида ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда бу тажрибани барча ҳудудларда қўллаб буйича иш олиб боришмоқда.

Хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳудудларда зўриққан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича 155 та марказ, "Ишонч телефонлари" ташкил этилди.

Хабарингиз бор, ўтган қисқа даврда юртимизда уйма-уй юриб, ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали тизим яратилди. Ушбу тизим асосида 2018 йилда 47 миң 690 нафардан ортиқ оғир шароитда яшаётган, шунингдек, 13 миң 344 нафар ноғиронлиги бўлган хотин-қизларнинг муаммолари жойида ўрганилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ана шундай хотин-қизларнинг 14 миң 750 нафардан зиёдига тиббий ёрдам кўрсатилди, 13 миң 636 нафари ишга жойлаштирилди, 24 миң 660 нафардан ортигига 21 миллиард 540 миллион сўмга яқин моддий ёрдам берилди. Шу тоифага мансуб, уй-жойга эҳтиёжи бўлган опа-сингилларимизга 4 миңга яқин арзон уй-жойлар топширилиб, давлат томонидан уларнинг бошланғич бадаллари тўлаб берилди. Ана шу тураржойлар атрофида тикувчилик цехлари ташкил этилиб, қарийб 1 миң нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Биз бу ишларни бундан буён ҳам албатта изчил давом эттирамиз. Жумладан, 2019 йилда 1 миң 576 нафар шароити оғир хотин-қизлар уй-жойлар билан, шу тоифага мансуб 13 миң нафардан зиёд қизлар иш билан таъминланади.

Хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан оғир шароитда яшаётган, ноғиронлиги бўлган 1 миң 460 нафардан зиёд хотин-қизларга арзон уй-жойлар учун 54 миллиард 580 миллион сўмдан ортиқ бошланғич бадаллар тўлаб берилди.

Албатта, ҳақиқатан ҳам кўмакка муҳтож бўлган бундай аёлларга кейинги 10 йилда арзон уй-жойлар берилганини ҳеч ким эслаш олмас керак. Чунки бундай тизимнинг ўзи йўқ эди.

Шунингдек, жорий йилда оғир ижтимоий аҳволда яшаётган, ноғиронлиги бўлган 15 миң 282 нафар аёлга тиббий ёрдам кўрсатилди. Шу тоифага кирадиган 10 миңга яқин хотин-қиз ноғиронлик аравачаси, эшитиш ва ҳаракатланиш воситалари билан таъминланади.

Аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган бундай мисолларни аниқлаб келтириш мумкин. Лекин **ўзининг уй-жойига, иш ўрнига эга бўлган ҳар бир аёлнинг ортида оиласи, фарзандлари, ота-онаси, яқинлари борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қанча хонадонга қувонч киргани, қанча одамнинг руҳи кўтарилиб, уларда ҳаётга, келажаққа ишонч пайдо бўлгани биз учун энг муҳим натижадир.**

**Мухтарам йиғилиш иштирокчилари!** Барчангиз яхши биласиз, халқимиз, миллатимиз қиз фарзандларини доимо асраб-авайлаб, меҳр билан вояга етказди. Уларни "она қизим" деб ардоқлайди. **Чиндан ҳам, қизларимиз – бизнинг келажагимиз, миллатимиз генотипини асрайдиган, муносиб давом эттирадиган инсонлардир** ва уларни жисмоний ҳамда маънавий баркамол этиб тарбиялаш – эзгу бурчимиз.

Айниқса, ҳозирги кунда қизларимизга замонавий таълим, миллий ва умумбаشارий қадриятлар асосида тарбия бериш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш, оилага тайёрлаш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда барча таълим масканлари ва маҳалларда фаолият кўрсатаётган "Қизларжон", "Қиз бола ва ёш оила", "Мустақил ҳаёт остонасида", "Ораса тақдирлар" каби клублар фаолиятини реал ҳаётга, ёшларимизнинг орзу-интилишларига янада яқинлаштириш керак, деб ўйлайман.

Шу ўринда яқинда Наманган вилоятида айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман.

**Агар сиз фарзандингизга дангиллама уй қуриб берсангиз – вақти-соати келиб, у эскириши мумкин. Агар энг зўр машина олиб берсангиз – уям тез орада эскириши мумкин. Агар унга моддий бойлик, пул қолдирсангиз – уям бир кун сарф бўлиб тугаши мумкин. Аммо дунёда ҳеч қачон эскирмайдиган, йўқомайдиган бебаҳо бир бойлик борки, у ҳам бўлса, фарзандингизга берган билим ва хунардир. Лекин билим ва маърифатни қаердан, нимадан олиш мумкин? Аввало, китоб деган ҳазинадан.**

Мен юртимиз ёшлари ўртасида ўтказилаётган **"Энг яхши китобхон"** кўрик-танловини мунтазам кузатиб бораман. Бу беллашуларда қизларимизнинг энг юқори ўрилларни эгаллаётгани уларнинг интеллектуал салоҳият ва тиришқоқлик бобида ҳаммани қойил қолдираётганидан далolat беради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, **"Қизлар кутубхонаси"** номили мобил илова яратилиб, ишга туширилгани эътиборга лойиқ.

Бугунги кунда буюк шоирамиз Зулфия номидеги Давлат муқофотиға сазовор бўлган қизларимиз сони 283 нафарга етди. Уларнинг кўпчилиги ҳокимиятлар, турли вазирлик, идора ва ташкилотларда, омавий ахборот воситалари, таълим-тарбия соҳасида муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Бу муқофотнинг энг катта аҳамияти шундаки, унга сазовор бўлган ҳар бир қизимизга юзлаб, миңлаб ёшлар ҳавас қилиб, уларга эргашади. Ёшлар учун ибрат тимсоли – етакчилик, лидерлик тимсоли пайдо бўлади. Энг муҳими, бундай ибрат ўз қизларимиз орасидан, ўзимизнинг маънавий муҳитдан етишиб чиқмоқда. Уларни қўриб, ёшларимизда **ўзига, ўз кучи ва салоҳиятига ишонч, келажаққа иницилиш пайдо бўлмоқда.**

Мана, бугунги давримизда Зулфия номидеги Дав-

лат муқофотининг бу йилги янги совриндорлари ҳам иштирок этмоқда. Бугун сизларнинг ҳузуригизда уларга ана шу муқофотларни тантанали равишда топшираимиз.

Хурматли анжуман қатнашчилари! Барчамиз яхши тушунамизки, биз бундай йиғилишларда нафақат ютуқларимиз ҳақида гапиришимиз, айни вақтда камчилик ва нуқсонларимиз ҳақида ҳам очиқ-ошкора сўз юритиб, уларни ҳал қилиш йўллари-ни биргаликда излашимиз зарур.

Тақор айтаман, халқимиз, аввало, сиз, ҳурматли опа-сингилларимиз билан маслаҳатлашиб иш олиб бурсак, хато албатта кам бўлади.

Шу маънода, аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш масаласи ҳам доимий эътиборимиз марказида туриши лозим. Бу борада, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлган шахслар билан яқна тартибда иш олиб бориш ҳамда жазони ижро этиш масканларидан озод қилинган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, муқаддам судланган, диний экстремистик оқимга дахлдорликда гумон қилинганлар рўйхатидан чиқарилган 3 миң нафардан зиёд аёл ва нотинч оилаларда яшаётган хотин-қизларга амалий ёрдам беришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Айни вақтда судларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Хотин-қизлар кўмиталари вакиллари **жамоатчилик асосида ҳимоячи** бўлиб иштирок этмоқда. Бундай янги амалиёт натижасида 2018 йилда жиноят содир этган ва ҳуқуқбузарликка қўл урган 893 нафар хотин-қиз кафиликка олиниб, жазодан озод этилди.

Оилавий муаммолар туфайли келиб чиқадиган жиноятларни кескин камайитириш мақсадида 10 миң 14 та нотинч оила билан профилактика ишлари олиб борилди ва 71 фоиз шундай оиланинг нотинчлиги бартараф этилди.

Хотин-қизлар, маҳаллалар, профилактика инспекторларининг ҳамкорликда олиб борган ишлари ва кўрилган чоралар натижасида хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик 2018 йилда 34 фоизга камайганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари, Олий суд билан Хотин-қизлар кўмитаси ўртасида меморандум имзолалиб, ажралиш учун ариза берган шахсларни дастлаб Хотин-қизлар кўмитасида суҳбатдан ўтказиш ва ажрим юзасидан ҳулосасини олиш йўлга қўйилди.

Кенг жамоатчилик вакиллари ўзаро ҳамкорликда олиб борган ишлар туфайли 2018 йилда ажралиш ёқасига келиб қолган оилаларнинг 26 миңга яқини яраштирилди. Энг муҳими, бунинг натижасида 36 миң 500 нафарга яқин бола ота ёки ана меҳридан жудо бўлишдан сақлаб қолинди.

Юртимизда тўғри йўлдан адашган инсонлар бўлмаслиги учун бу борадаги ишларни **жаҳолатга қарши маърифат** асосида изчил давом эттиришимиз зарур.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларга, бугун мени эшитаётган барча юртдошларимизга даъват қилиб айтмоқчиман: халқимиз, Ватанимиз тақдирини ва келажақига бевосита дахлдор бўлган бу масалада ҳеч ким бефарқ бўлиб четда турмаслиги керак. Бу борада нафақат хотин-қизлар кўмиталари, нафақат маҳалла фаоллари, балки барчамиз биргаликда қаттиқ иш олиб бурсак, вазиат иқобий томонга албатта ўзгаради.

Бу мақсадга эришишда биз хотин-қизларимизнинг оғирини энгил қилиш, уларнинг ҳаётини муаммоларини ечиш, орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор имкониятларини ишга солаимиз. Сиз, азиз опа-сингилларимиз бу масалада аввало ўларингиз ташаббускор бўлиб, фаол иштирок этасизлар, деб ишонаман.

Мухтарам дўстлар! Сизларга маълумки, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизлар учун **"Мўтабар аёл"** нишони таъсис этилган эди. Бу йил 8 март байрами арафасида ушбу муқофот билан 260 нафар опа-сингилларимиз тақдирланди.

Фурсатдан фойдаланиб, уларни сизларнинг номингиздан, ўз номимдан самимий табриқлайман.

Бугунги байрам муносабати билан Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оилаларни мустақамлаш борасидаги муносиб хизматлари учун хотин-қизларимиздан бир ғуруҳи давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Муқофотланганлар орасида ўзининг ноёб истеъдоди билан Ватанимиз шухратини дунёга таранум этган атоқли олимларимиз, шоир ва адабларимизнинг садоқатли умр йўлдошлари ҳам борлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Уларнинг кўпчилиги бугунги давримизда иштирок этмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг илмий ва адабий мактабинини яратган улкан олим ва ижодкорнинг рафиқаси бўлиш осон эмас. Буни билган бадиби, билмаганлар билиб қўйса, фақат фойда бўлади.

Мана шундай меҳрибон, оқила, эзкук опа-сингилларимиз ўз умр йўлдошлари – машур илм-фан ва адабиёт номияндаларини доимо қўллаб-қувватлаб, уларга илҳом бағишлаб келганлари, маънавий таянч бўлиб, фидойийлик намунасини кўрсатганлари ҳар қандай юксак таҳсинга лойиқ.

Юксак унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган опа-сингилларимизни, Зулфия номидеги Давлат муқофотиға сазовор бўлган қизларимизни чин қалбимдан табриқлаб, барчангизга сихат-саломатлик, янги-янги муваффақиятлар, оилавий бахт тилайман.

Мунси ва меҳрибон опа-сингиллар! Биз сизларнинг мана шундай очилиб, ҳаётдан рози бўлиб юришингиз учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун доимо сидқидилдан хизмат қилишга тайёримиз.

Истаймизки, мана шундай қувончли кунларимиз кўп бўлсин!

Барчангизни бугунги баҳор ва нафосат, гўзаллик байрами билан ана бир бор самимий табриқлайман.

Иқболнинг баланд, умрингиз узоқ, ризку насибанигиз зиёда бўлсин!

Ҳамиша соғ-омон бўлинглар!

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ҚАРОРИ

## Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган байрам танталарида совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар би-

рига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т.Норбоева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 2 март

\* \* \*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2019 йил 2 мартдаги ПҚ-4218-сонли қарорига илова

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар  
РЎЙХАТИ

**Каипназарова Сапура Жалгасбай қизи** – Қорақалпоқ давлат университетининг 3-босқич талабаси  
**Тулиева Сарвиноз Абдулла қизи** – Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали қошидаги Тўртқўл академик лицейи 3-босқич ўқувчиси  
**Мухторжоновна Хуснигул Нодирбек қизи** – Андижон давлат тиббиёт институтининг 6-босқич талабаси  
**Тожиддинова Ойгул Фозилжон қизи** – Андижон вилояти Избоскан туманидаги "Айгул-текстиль" ишлаб чиқариш цехи бошлиғи  
**Оstonова Севарахон Саид қизи** – Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси  
**Истамова Дилафрўз Ойбек қизи** – Тошкент давлат юридик университетининг 2-босқич талабаси (Бухоро вилояти)  
**Йўлчиева Зухра Умнатқул қизи** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жиззах академик лицейи 3-босқич ўқувчиси  
**Умарова Сабина Султон қизи** – Жиззах давлат педагогика институтининг 1-босқич талабаси  
**Алишерова Ўззода Жамшид қизи** – Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги Абдулла Орипов номидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 10-синф ўқувчиси  
**Шукурова Моҳиғул Боқиевна** – Тошкент давлат аграр университетининг 3-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)  
**Абдуллаева Рухсора Собировна** – Навоий давлат кончилик институтининг 4-босқич талабаси  
**Қуватова Гулбон Муродуллаевна** – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қонимех тумани Кенгаши бош мутахассиси (Навоий вилояти)  
**Абдулхамидова Гулшодабегим Камолiddин қизи** – Наманган санъат коллежининг 3-босқич ўқувчиси  
**Исманова Азизахон Махаммадали қизи** – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 4-босқич талабаси (Наманган вилояти)

**Расулова Хилола Комил қизи** – Самарқанд шаҳридаги 51-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси  
**Қаноатовна Мадина Рафиқ қизи** – Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги 45-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси  
**Эргашева Шохиста Алижон қизи** – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 1-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)  
**Зулфикорова Азизахон Баҳодир қизи** – Гулистон давлат университетининг 4-босқич талабаси  
**Астанакулова Камилла Шухратовна** – Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси  
**Аликулова Дилдора Шухрат қизи** – Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси  
**Шерзодова Хулкар Шерзод қизи** – Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси (Тошкент вилояти)  
**Осипова Светлана Валерьевна** – Тошкент вилояти Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпиа заҳиралари мактаб-интернатининг 3-босқич ўқувчиси  
**Қурбонова Моҳидил Улуғбек қизи** – Фаргона давлат университетининг 1-босқич талабаси  
**Рўзибова Паризода Муродали қизи** – Фаргона вилояти Қўқон педагогика коллежининг 3-босқич ўқувчиси  
**Отабоева Дастигул Азимбой қизи** – Хоразм вилояти Урганч санъат коллежининг 3-босқич ўқувчиси  
**Маширипова Зумрад Қучқорбоевна** – Хоразм вилояти Янгібозор туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси  
**Умарова Нигорахоним Нуъмонжон қизи** – Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг 3-босқич талабаси  
**Асадова Дилноза Жовлиевна** – Р. Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган музыка академик лицейининг 9-синф ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ  
24 АЁЛГА УЙ БЕРИЛДИ

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида жисмоний имконияти чекланган, уй-жойга муҳтож 24 нафар хотин-қизга янги уйларнинг қалити топширилди.



Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда шаҳар ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, имтиёзли уй-жой билан таъминлаш, ўз имконияти даражасида меҳнат қилишига шароит яратиш борасида тизимли ишлар амалга ошириллаётгани таъкидланди.

Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаётгир.

Олмалиқ шаҳрининг Ибн Сино кўчасида ҳар бири 42 хонадонга мўлжалланган 7 қаватли 10 та уй қад ростлади. Бу ерда аҳолига қулайлиқ яратиш мақсадида савдо маркази, мактабгача таълим муассасаси, маданият ва истироҳат боғи барпо этилди.

Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган янги массивдаги 24 хонадон ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган оилаларга берилиб, уйларнинг бошланғич тўлови тўлаб берилди.

– Турмуш ўртоғим ва 4 фарзандим би-

лан ижарада яшардик, – дейди Дилдора Отажоновна. – Қизим Муштарийбону болаликдан ногирон бўлганиги учун топганимиз дори-дармон ва рўзгордан ортмасди. Болаларнинг бўйи чўзилиб, катта бўлгани сайин харажатлари ҳам ортиб борар, бундай ҳолатда уй-жой ҳақидаги орзумимиз тобора ушалмасдек кўринарди. Эрта-индин қиз узатиб, келин оламан, деган одам учун бу ҳақда ўйлашнинг ўзи бир даҳшат эди. Президентимиздан беҳад миннатдоримиз. Биз каби оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида юритаётган сиёсати мени ва оиламни тушунликдан чиқарди.

Айни пайтда Дилдора опа оиласи билан янги массивдаги 3 хонали уйга кўчиб ўтди. Уйнинг 45 миллион сўмлик бошланғич тўлови Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан тўлаб берилди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,  
ЎЗА мухбири

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН  
КЛАСТЕР ТИЗИМИ

Чирчиқ давлат педагогика институтида "Мақтабгача таълим инновацион тараққиёт сари" мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят мактабгача таълим бошқармаси мутасаддилари, боғча мудиралари, тарбиячилар ҳамда ўқитувчи ва талабалар иштирок этишди.

## Семинар

Мазкур семинарни ўтказишдан кўзланган мақсад – педагогик таълимда инновацион кластер механизмлари такомиллаштириш, узлуксиз таълим жараёнининг ҳамкорлигини илмий ва амалий жиҳатдан янада мустаҳкамлашдан иборат.

Тадбирда Президентимиз ташаббуси билан соҳада қўлмили ислохотлар амалга ошириллаётгани, шу билан бирга тизимда олий маъ-

лумотли ва малакали кадрлар етишмаслиги таъкидланди.

– Вилоят таълим тизимида мавжуд камчиликларни ўрганиш ва уларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, педагогик таълим йўналишларини мувофиқлаштириш, истиқболни режалаштириш, таълим босқичлари ўртасидаги алоқа ва интеграциянинг сустиги, таълим субъектлари фаолиятидаги

тарқоқлик ҳудудда педагог кадрларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилмаслиги ва таълим сифатининг пасайишига сабаб бўлган, – дейди институт ректори Ф. Муҳаммедов. – Шундан келиб чиққан ҳолда институтимизда педагогик таълимнинг инновацион кластерини яратиш борасида муайян ишларни амалга оширишмоқдамиз. Соҳада жорий қилинаётган янги кластер тизими тез орада таъдифликлари кўрсатади.

Тадбир сўнгига қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Зухриддин РАҲМОНОВ,  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбири

## ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, қишлоқ хўжалиги, саноат, тадбиркорлик, фан-техника, инновация, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда алоҳида ташаббус кўрсатиб, самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ аёлларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланди.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

## "Дўстлик" ордени билан

**Сативалдиева Танзила Мансуровна** – "Олмалиқ конметаллургия комбинати" акциядорлик жамиятининг Мис эриш заводи сувли эритмалар электролизчиси

## "Шухрат" медаллари билан

**Садиқова Дилбар Юсупжоновна** – Бекобод шаҳар халқ таълими бўлими бош мутахассиси

## ТАРБИЯДА БЕШ СОҲА

Тошкент туманидаги 47-мактабгача таълим муассасасига кириб борганимизда, катта гуруҳ тарбияланувчилари мусиқа жўрлигида қўшиқ куйлашга тўғри эди. Бир оз кулоқ солиб турдик.

## Мақтабгача таълим

– Кеча баҳор гулларининг расмини чизгандик, – дейди Мубина исми қизча. – Бугун "Кўклам" қўшиғини ўргандик. – Баҳорда-чи, гуллар очилди, дарахтлар гуллайди, қўшлар сайрайди... – қўшилди Яҳё.

Кичкинтойлар билан суҳбатлашиб, болаликка қайтгандай бўлди.

– Бугунги кунда муассасамиз-

нидид қатнашди. Катта ва тайёрлов гуруҳларга инглиз тили фани киритилган. Машғулотлар "Илк қадам" Давлат дастури бўйича 5 та: санъат, театр, қурилиш, нутқ ва мусиқа соҳалари бўйича олиб боришмоқда. Мақсадимиз, боғча ёшидаги болалар қамровини кенгайтириш.

Хоналарни кўздан кечирар эканмиз, ҳар бир гуруҳда "Миллий бурчак", "Кайфият бурчаги", "Касбга йўналтириш бурчаги" ташкил этилганига гувоҳ бўлдик. "Табият бурчаги" ва "Жонли бурчак" болаларнинг сеvimли "худуди". Мўъжазгина "Кўғирчоқ театри"да болажонлар сеvimли эртақ қаҳрамонлари образини яратишди.

Тарбиячилардан Маҳсума Жўраева, Гулнара Мирзахўжаева, Насиба Мирағамова, Дилбар Яхёева ҳар бир машғулоти қўл меҳнати билан ясалган буюмлар ва қўрғазмаларни қўллар ёрдамида ўтишга одатлаштирилган.

Азиза ХУСАНОВА

«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 13 март куни чиқади.

Вилоят Силга қарши кураш диспансери жамоаси диспансер бош шифокорининг хўжалик ишлари бўйича муовини Бахтиёр Юлдошбековга ўғли Камолiddин КЎЧҚОРБЕКОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

## Танлов

Қибрай туманидаги 2-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида БМСМ ансамбллари ўртасида ўтказилган республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.



## САНЪАТ МАКТАБЛАРИДАН ЖАҲОН САҲНАЛАРИГА

Вилоят маданият бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда вилоятимиздаги 32 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари иштирок этишди.

– Ушбу кўрик-танловга асосий тайёргарлик кўрдик, – дейди Оққўрғон туманидаги 25-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Бекзод Машрабов. – Фаррух Амирбеков ва Бобур Сайфуллаевдек ёш мақомчиларимиз қўллаб-қувватловига эришдик. Хусусан, 2018 йилда Рўздат Қудратиллаев ёғоч уймақорлиги номинациясида болалар мусиқа ва санъат мактаблари орасида ўтказилган республика кўрик-танловининг ғолиби бўлди.

Истеъдодли Умида Ортиқова эса Қирғизистонда бўлиб ўтган IV халқаро болалар ижро-

сирилари эгаллаб келмоқдалар. Улар учун эстрада, вокал, театр, тасвирий ва амалий санъат ҳамда рақс бўлимлари ташкил этилган.

Ўқитувчи ва мураббийларнинг сазоворлиги билан болалар салмоқли натижаларга эришишмоқда. Хусусан, 2018 йилда Рўздат Қудратиллаев ёғоч уймақорлиги номинациясида болалар мусиқа ва санъат мактаблари орасида ўтказилган республика кўрик-танловининг ғолиби бўлди.

Истеъдодли Умида Ортиқова эса Қирғизистонда бўлиб ўтган IV халқаро болалар ижро-

диети кўрик-танловидида ўзбек миллий рақсларини ижро этиб, 1-уринин эгаллади.

Кўрик-танлов якунига кўра, ўз номинацияларида Чирчиқ шаҳрининг 15-сонли, Янгийўл туманидаги 5-сонли, Нурафшон шаҳрининг 12-сонли ҳамда Қибрай туманининг 2-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ғолиб бўлишди.

Кўрик-танловнинг республика босқичига вилоятимиздан 12 та ансамбль йўланма олди.  
Х. УБАЙДУЛЛАЕВ  
Мансур ХИММАТОВ  
олган сурат

## Сиз нима дейсиз?

## «ЭРКАКЛАР ҚЎМИТАСИ» ТУЗИЛСА...

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган тақдиротда эксперт Жамила Шермухаммедова қизиқ бир таклифни айтган.

– Келинлар, "Эркаклар энциклопедияси"ни яратайлик. Ойлада эркакнинг, отанинги ўрнини кўтармас эканмиз, у ҳақда китоблар ёзиб, мақомини улуғламас эканмиз, оила механизмидаги айрим элементлар яхши ишламайди, ажримлар сони ортаверади. Ёшларга болалиқдан оилада ўғил-

лик бурчи, оталик вазифалари, эрлик масъулияти ҳақида билим бериш зарур. Бу ҳаётимот масаласи. Мен, ҳатто, "Ўзбекистон Эркаклар қўмитаси"ни тузиш таклифини ҳам жиддий ўйлаб кўришга арзийди, деб ҳисоблайман, – деб таъкидлаган у.

Қизиқ таклиф, шундай эмасми?

## ПИСКЕНТЛИК ДЕПУТАТ ТАКЛИФ БЕРДИ

Халқ депутатлари Пискент тумани кенгаши депутати Марҳаб Қурбонова вояга етмаган фарзандлари бўлган оналарнинг чет элга чиқишини чеклаш керак деган фикрда. У худди шу масала бўйича таклиф киритган.

Унинг фикрича, хорижга кетган оналарнинг фарзандлари тарбиясидаги муаммолар, бу орқали оиладаги маънавий муҳит ва жамиятга етказилаётган зарар у ерда топилган бойликдан бир неча баробар кўп.

бор аёллар чет элга бемаъл олчиб кетмоқда. Бунини тартибга солиш керак", дейди М. Қурбонова.

Дўппини олиб қўйиб, ўйлаб кўрилса, бу гапда жон бор. Бирок, инсон ҳуқуқлари деган гаплар бор...

Бу борада сизнинг фикрингиз қандай?

@haqiqatonline

Баҳор... Унинг ташрифи кўнгиллarga ажиб илиқлик олиб киради. Баҳордек гўзал, кўшдек ҳароратли, юзида ой, қалбида нур балқан аёл, оналарни кўрганда, борлиқ янада жололангандек бўлади, гўё. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, фусункор баҳорой ҳам хотин-қизлар байрами билан янада тароватли, янада файзли.

## НАФОСАТ ОЛАМИ МАЛИКАЛАРИ

Мустақил Ўзбекистонимиз аёлларига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Уримиз гули, хонадонимиз фаритаси деган эътирофу эътиромга сазовор аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Вилоятимиз аҳолисининг ярмидан кўпрогини ташкил этувчи хотин-қизларимиз кайфиятидаги кўтаринкилик, ғайрат-шижоатни ҳар бир соҳадаги ютуқларда кўриш мумкин. Аёл, аввало, меҳрибон она. Эртамиз эгалари – келажак авлод камолоти йўлида ўзини бурчи деб билладиган устоз. Садоқатли умр йўлдош, сариштали бека. Улар мураббий, шоира, шифокору тадбиркор, фермеру соҳибкор бўлиб, ҳаммиса халқ хизматиға камарбастадириллар.

Ўғил-қизларимизнинг шодон кулгулари, гўзал хулқ-атворларида, сариштали, обод кўчалар, файзли хонадонларда, эрақлар ишидаги унум ва ҳаловатда аёллар, оналарнинг беиннат меҳнатларию, оташин меҳрларини туяемиз. Йилдан-йилга сафи кенгайиб бораётган Зулфани издошлари, зукко қизларимизнинг ҳар бир ютуғи замирида оқила оналар, меҳрибон устозларнинг хизматлари мўжассам. Вилоятимизда хотин-қизларни ҳар то-

монлама қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2018 йилда иш сўраб муурожаат қилган аёлларнинг қарийб 10 минг нафари иқтисодиётнинг турли тармоқларига ишга жойлаштирилди. 900 нафардан зиёд хотин-қизга ишсизлик нафақаси тайинланиб, 800 нафардан зиёди касб-хунарға ўқитилди. Шунингдек, 9 минг 600 нафар аёл ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. 200 дан зиёд аёлға намунали лойиҳалар асосидаги арзон уйлarning дастлабки бадалли тўлаб берилди.

Утган йили вилоятимизда хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар 33 фоизга камайгани ҳам барча йўналишлардаги саъй-ҳаракатларимиз самарасининг ўзига хос дебобосидир.

Фидокорона меҳнати, ташаббускорлиги ва жонқурлиги билан кўпчиликка намуна бўлаётган хотин-қизлар, вилоятимиз раванқиға салмоқли ҳисса қўшаётган азиз



республикамиз аҳли учун ҳам яхши таниш. Муҳаббат Шоюсопова, Зарифа Эралиева, Саодат Сулаймонова, Роҳила Ирматова, Марҳамат Йўлдошжўзаева, Дилором Қосимова сингари опа-сингилларимиз турли

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятимиз хотин-қизлари, мунис ва меҳрибон она-жонларимиз, опа-сингилларимизни бугунги фусункор байрам билан мубораҳбод этаемиз. Азиз аёлларимизни баҳорий кайфият ва гўзаллик ҳеч қачон тарк этмасин!  
**Озода ПАРПИБОЕВА,**  
вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси

Биз халқимиз розилигини, аввало, сиз, муҳтарам оналаримиз, опа-сингилларимизнинг розилиғи деб тушунамиз.  
**Шавкат МИРЗИЕВ**

## АЁЛ ОЛАМИ

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг қўшма лойиҳаси

### ҲАЁТНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ГЎЗАЛ

Аҳолининг, энг аввало, ўсиб келатган ёш авлоднинг маънавий-маърифий ва маданий савияси даражасини оширишда оммавий аҳборот воситалари, жумладан, ноширлик ишларининг ўрни беқиёс. Бир неча ўн йиллардан бери матбуот ва матбуотчилар билан биргамиз.

Шу йўлдаги ҳалол меҳнатларим инобатга олиниб, «Мўтабар аёл» кўкрак нишонига муносиб қўрилганидан беҳад мамнунман. Номи ўхшатиб топилганини қаранг-а: «Мўтабар аёл». Шу иккигина сўз замирида бир олам маъно мўжассам,



**Зарифа ЭРАЛИЕВА,**  
вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи

гўё. Назаримда, вилоятимизнинг ҳар бир аёли шу залворли мартабага муносиб. Зеро, уларнинг ҳар бири ўз жамоаси ва оиласида мўтабар ва муқаддаслар. Иزلаниш, эзгуликларга интилиш биз, аёлларнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Озгина ширинсўз, бир чимдим меҳр танамиздан чарқоқни, кўнглимиздан губорни кўтарди. Истардимки, ҳар бир ўтаётган кунимиз қувончларга тўла бўлсин, баҳорий кайфият ва гўзаллик доимий ҳамроҳимизга айлансин.

**Зарифа ЭРАЛИЕВА,**  
вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи

Дадам 5 ёшимда қўлимдан етаклаб тазкандо тўрагагига олиб борганлар. Шундан бери ҳаётимни спортсиз тасаввур қила олмайман. Ҳар бир спортни бирдек олиб боришга интиламан. Маҳоратим ошиб боргани сари шаҳар, вилоят миқёсидаги мусобақаларда катнашиб, юқори натижаларга эришдим. 2017 йилда Осие чемпиони бўлдим.

### МЕҲР МАНЗИЛИ

Утган йилда эса, ҳар бир ўзбек қизининг орзуси бўлган – «Зулфия» номидаги Давлат мукофотиға муносиб қўрилдим. Бундай ютуқларға эришишимда устоз-мураббийларимнинг хизматлари жуда катта. Бундан буёғиға ҳам уларнинг сабоқларига таянаман. Келгусида яна жаҳон ареналарида чинакам меҳр манзили бўлган юртимизи шарафи

учун курашаман. Шунингдек, мактабни тамомлаб, Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт институтида таҳсил олиб, мураббий бўлишни ният қилганман. Негаки, шогирдларимни ҳам Олимпиада ва жаҳон чемпионлари даражасига етказишни истайман. Юртимиздаги онахонларни, опа-сингилларимизни гўзаллик ва нафосат байрами билан чин юракдан табриқлайман. Уларға доимо баҳорий кайфият тилайман.  
**Ирода УМРЗОҚОВА,**  
Чирчиқ шаҳридаги 14-мактабнинг 9-синф ўқувчиси

### БАРЧИНОЙЛАР АФСОНА ЭМАС

Саккиз йилдан бери спортнинг кураш тури билан шуғулланаман. Бу давр мобайнида қўллаб-қувватлаш республика ва халқоро турнирларда мунтазам катнашиб келмоқдам.

2018 йил ҳам муваффақиятларға бой бўлди. Хусусан, Тошкентда ўтказилган Осие чемпионатида голиб бўлиб, олтин медални қўлга киритдим. Эркин кураш бўйича қизлар орасида биринчи Осие чемпиони бўлганимдан фахрланаман. Шунингдек, ўтган йили декабрь ойида иккинчи бор Ўзбекистон чемпиони, дея эътироф этилиш насиб қилди.

Орзуларим катта. Уларни амалға ошириш мақсадида устозларим ёрдамида ўз устимда тинимсиз ишламоқдам. Шундай шуқуҳли дамларда барча ўзбек аёллари ҳамда спортчи дўгоналаримни байрам билан табриқлайман.  
**Муножат САМИЕВА,**  
эркин кураш бўйича Ўзбекистон ва Осие чемпиони,  
Янгийўл тумани

### АРДОҚ ДЕРЛАР БУНИНГ НОМИНИ...

Ҳар бир аёл ҳаётида унутилмас, қувончли кунлар кўп бўлишини хоҳлайди. Шукрки, халқ таълими соҳасида 24 йил меҳнат қилганим бесамар кетмади. Утган йили «Ўқитувчи ва мураббийлар кўни» муносабати билан «Халқ таълими аълоҳиси» кўкрак нишонини билан тақдирланган эдим.

Бугун эса, 8 март – Халқоро хотин-қизлар кўни арафасида ўтказилган вилоят байрам тадбирида Президентимиз фармониға кўра таъсис этилган «Мўтабар аёл» кўкрак нишонига лойиқ топилган хотин-қизлар қаторида менинг ҳам номим эълон қилинганда, ростки, жуда қувондим. Кўп йиллик меҳнатларим, саъй-ҳаракатларим, элимиз назаридан четда қолмаётганидан беҳад мамнунман. Бу йил 11-синф ўқувчилари учун тайёрланаётган она тили дарслиғи тақрирчилари қаторидан жой олдим. Ҳозирда янги авлод 8-9-синф дарслиқлари устида республика таълим маркази билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдам.

Севимли касбим – ўқитувчилик ортдан эъзоз топаётганимдан фахрланаман. Қўшрағбат менға янги куч-қувват, ғайрат бағишлайди, албатта.

**Меҳри АБДУРАСУЛОВА,**  
Янгийўл шаҳридаги 10-мактаб ўқитувчиси



Аҳолининг ижтимоий ҳимояға муҳтож қатламни инсонларнинг ёрдами беришда давлат билан ҳамкорликда иш олиб борамиз, яқиндан кўмак берамиз. Ёлғиз кексалар, кўп болали, кам таъминланган оилалар, ногиронлиғи бўлган ҳамда ёрдамға муҳтож кишиларға беиннат кўмак бериш, қўллаб-қувватлаш жамиятимизнинг доимий диққат марказида. Уларға имкон қадар меҳр улашсак, кўнгилларини кўтарсак, ўз вазирамизни бажарган бўламиз.  
Бугун мен учун қўшалоқ байрам

бўлди. Айниқса, янги таъсис этилган «Мўтабар аёл» кўкрак нишонини биринчилардан бўлиб олишим, мени руҳлантириб юборди. Жамиятимиз манфаати йўлидаги заррача хизматимиз ҳам қадрланади. Биз жамоамиз билан янада фаол ишлаб, кўпроқ инсонларға қўлимиздан келганча ёрдам кўрсатаверамиз. Истагимиз – ҳеч ким меҳрға зор бўлмасин.

**Гулчеҳра СОДИҚОВА,**  
Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Паркент тумани бўлими раҳбари

### Сизни севаемиз

Жаннатнинг боғидан биз сизни сайлаб, Олганмиз севгингиз юракка жойлаб, Сиз гулсиз, биз сизни асраб-авайлаб, Меҳр япроғиға ўраб севаемиз.

Оналарға бериб давра тўрини, Сизға бағишладик юрак кўрини, Қасида, қўшиқнинг сара, зўрини Айтиб, даврангизда яраб севаемиз.

Замон келди – сизни севмоқ замони, Сиз юрган гўшалар гуллар макони, Юлдуз, ойи бўлиб безанг самони, Сизға – самоларға қараб севаемиз.

Дунё шоирлари шеър битдилар хўб, Улар ишқингизнинг ғариби тўп-тўп, Сизға соғинчимиз юлдузлардан кўп, Малиқдан сизға бахт сўраб севаемиз.

Бирингиз Зухросис, бирингиз Зуҳал, Сулуддан сулуvsиз, гўзалдан гўзал, Биз ҳалак шеър битиб ё тўқиб газал, Битта шоирликка яраб севаемиз.

Сиз борсиз, бизларға яшамоқ – шараф, Қалбни пойингизга тўшамоқ – шараф, Қаранг, баҳор келди – қўшалоқ шараф, Биз сизни шарафлаб, алқаб севаемиз.

**Нуралли ЖАЛИЛ**  
Беқобод тумани



Эн саккиз минг олам отуви аиниң бошпонадур,  
Не ақаб, эн сарватимиз эн саккиз интиладур...


# Тошкент вилояти Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази

табиатнинг буюк мўъжизаси бўлмиш мўътабар аёлларимизни баҳорнинг илк шукуҳли айёми –

*8 март — Халқаро хотин-қизлар кун*

билан табриклайди.

Сизга эзгу орзу-умидлар, гўзал тилаклар ёр бўлсин!  
Ҳар бир хонадонни тинчлик, файз-барака,  
қувонч тарк этмасин!



## Олмалиқ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ

акциядорлик жамияти вилоятимизнинг  
барча аёллариши

*8 март —  
Халқаро хотин-қизлар кун*  
билан *гин юракдан қутлайди.*

Жамиятимиз кўрки, оилаларимиз  
бахти бўлган муҳтарам  
опа-сингилларимизни  
ҳеч қачон баҳорий гўзаллик  
тарк этмасин! Доимо Сизни  
ардоқловчилар меҳр-муҳаббати ва  
эътиборида бўлинг, азизлар!



## Тошкент вилояти Касаба уюшмалари бирлашмаси Кенгаши

Азиз ва муқаддас  
аёлларимизни

*баҳорий гўзаллик ва  
нафислик байрами*  
билан муборакбод этади.

Гўзаллик ва назокат Сизларни  
ҳеч қачон тарк этмасин,  
мунис онажонлар,  
меҳрибон  
опа-сингиллар!



**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**  
Муассис:  
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир  
**Ғайрат**  
**ШЕРАЛИЕВ**

Хафтанинг  
чоршанба ва шанба  
кунлари чиқади.  
Электрон  
почталар:  
thaqiqat@mail.uz  
th-tp@mail.ru

Қабулхона:  
Бош муҳаррир ўринбосари:  
Масъул котиб:  
Бўлим муҳаррирлари:  
Шартнома ва эълонлар:  
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:  
71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)  
71 233-70-10  
71 233-55-38  
71 233-38-23, 71 233-48-08  
71 233-65-59  
71 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва  
ахборот бошқармасида 2011  
йил 12 январда 03-001 рақами  
билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
тахририяти компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир  
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА  
Назоратчи мусахҳиҳ  
Аллома АЗИЗОВА  
Саҳифаловчи  
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ